

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕРРОРИСТИК ВА
ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАР ТАРҚАЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Ashurov Otabek Ummatillayevich

O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi

Tezkor qidiruv faoliyati kafedrasi katta o‘qituvchisi, mayor

E-mail: otabekashurovv@gmail.com

To‘uchiyev Azizbek Farhodovich

O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi 2-o‘quv kursi 203-guruh kursanti

Аннотация. Мақолада экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсири, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг зарурати, тарихий даврларда тутган ўрни, ёшлар дунёқарашининг шаклланиши ва ўзига хослиги, ватанпарварликнинг қадрият сифатида инсон тақдирига таъсири, бу борада илгор хорижий давлатлар тажрибаси, замонавий ёндашув ва қарашларнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Терроризм, экстремизм, тараққиёт, барқарорлик, ватанпарварлик, қадрият, ифтихор, шон-шараф, иймон, фидойилик, оила, бурч, масъулият, интернет, диний, сиёсийлаштириш, ижтимоий, ёшлар, тартибга солиш, ижтимоий тармоқлар, ахборот, хавфсизлик, гоя, мафкура.

Аннотация. В статье предлагаются предложения по влиянию экстремистских и террористических организаций на общественно-политическую ситуацию, анализируются необходимость патриотического воспитания молодежи, это место в различных периодах истории, специфика формирования мировоззрения, его влияние на судьбу человека, раскрываются основные особенности зарубежного опыта, современного подхода и методов в этой сфере.

Ключевые слова: Терроризм, экстремизм, развитие, стабильность, патриотизм, ценность, гордость, слава, вера, самоотверженность, семья, долг ответственность, интернет, религия, политизация, социальный, молодежь, регулирование, социальные сети, информация, безопасность, идея, идеология.

Annotation. The article offers suggestions on the influence of extremist and terrorist organizations on the socio-political situation, analyzes the necessity of training youth in patriotic spirit, its role in historical periods, the formation of the specific world view of youth and the influence as a value of human destiny, the main specifics of foreign state experience, modern approach and methods are revealed in this view.

Key words: Terrorism, extremism, development, stability, patriotism, value, pride, fame, faith, sacrificial, family, duty, responsibility, internet, religion, politicization, social, youth, regulation, law, prevention, social networks, information, security, idea, ideology.

Дунёда глобаллашув жараёнлари жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда манфаатлар тўқнашуви минтақа, миллат ва дин танламас иллатларни юзага чиқармоқда. Ахборот асрида ўз фуқароларини ёт ғоялар билан тўйинтирилган ғоявий ҳуруждан асраш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг асосий вазифаси фуқаролар орасида шу турдаги ғоялар таъсири остига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик тадбирлар ўтказиш орқали уларни тарбиялаш масъулияти юкланган. Бунинг учун аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари юқори даражадаги ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни пухта эгаллаган бўлиши ва уни амалда қўллаш билиш маҳорати шаклланган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асли инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” айтиб ўтганлар¹.

Экстремистик ғоянинг асли моҳиятини келиб чиқиш сабабларини ва фуқароларнинг ақидапараст ғоялар таъсири остига тушиб қолиш сабабларини ўрганиб чиқиш зарур.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, 300 мингга яқин 18 ёшга етмаган ёш авлод вакиллари дунёдаги қатор диний-Экстремистик гуруҳлар таркибидан жой олган. Жумладан, Бруклин институти маълумотларига кўра, Твиттер тармоғида “Исломи давлати” террорчилик гуруҳи билан у ёки бу даражада боғланган аккаунтлар сони 90 мингга етади ва ҳар бирида мингдан ортиқ ўқувчиси бор. Уларга ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми ўсмирлар ва кизлардир.

Экстремистик ва террорчи гуруҳлар инсонларга нисбатан зўравонлик, куч ишлатиш йўлини тутадилар. Улар маълум бир дин доирасида чекланмайдилар. Бундай гуруҳлар ҳеч бир қонунни ҳурмат қилмайдилар, фаолиятлари инсонлар ва динларга қарши қаратилган бўлади. “Терроризм” сўзи қўрқитиш, хавфга солиш маъноларини англатади. Манбаларда терроризмга “Шахсларга қарши куч ишлатиш, жамият хавфсизлиги ва тинчлигига раҳна солувчи, нотинчлик келтириб чиқарувчи, ғаразли сиёсий мақсадли, муайян диний тоифага қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар”, деб таъриф берилади. Бунда шахслар ва давлат, уларнинг мол-мулкларига зарар етади.

Экстремистик ғоя таъсири остига тушган шахсларни аниқлаш ва улар билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар. Ҳозирги вақтда диний экстремизм ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш ва унга қарши кураш долзарб муаммолардан бирига айланди. Чунки, ушбу жараёнларни Ўзбекистон халқи ўзининг бошидан ўтказиб кўрди. Унинг мудҳиш оқибатлари натижасида қанчалаб бегуноҳ одамлар, ёш болалар ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь.

гўдаклар, химоясиз кишилар курбон бўлди. Диний экстремизмнинг яна бир хавфли томони шундаки, бу йўлга кўплаб вояга етмаган ва ёшларнинг жалб этилишидир. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳозирги кунда ўтиш давридаги баъзи бир қийинчиликлар, бозор иқтисодиёти инфратузилмаси ривожланаётган вақтидаги рақобатга кўпчилик одамларнинг дош бера олмаслиги ва ҳозирги демократик ҳуқуқий давлатчилик тузумига нисбатан салбий қарашлар билан кўплаб ёшларимиз онгини заҳарлашга бўлган уринишларнинг мавжудлигидир

Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашишдан кўзланган мақсад – шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлашдан иборатдир.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолияти мазкур йўналишдаги қонунбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш, режалаштирилган ва тайёрланаётган ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, бу турдаги жиноятларнинг тез ва тўлиқ фош этиш, терроризм оқибатларини минималлаштириш бўйича чоралар кўриш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ваколатларни ўз ичига олади.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги”, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро келишув ва битимлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш фаолиятида қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларни қонуний манфаатларини таъминлаш; доимий тезкор шайлик; ўтказилаётган тадбирларни мақсадли ҳамда самарали амалга ошириш; ошкора ва ноошкора тезкор-қидирув куч, восита ва тадбирларни самарали ва комплекс тарзда ўтказиш; бошқа вазирлик, идора, корхона, муассаса, ташкилотлар ва жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик қилиш принципларига қатъий риоя қилган тарзда амалга оширилади. Жиноятларнинг олдини олиш ички ишлар органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. У мустақил йўналиш бўлиб, шаклланган ва бошқа соҳалар билан бир қаторда ривожланмоқда. Жиноятларнинг олдини олиш мураккаб жараён бўлиб, унинг мазмуни бошқа фаолият турларидан фарқ қилади. Унда қатор таркибий қисмлар ажратилган. Масалан:

- 1) жиноятлар профилактикаси – жиноят содир қилишга имкон берувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш ҳамда жиноят содир қилишга мойил шахсларни аниқлаш ва жиноят содир этишларига йўл қўймаслик учун уларга таъсир этиш;
- 2) жиноятларни бартараф қилиш – маълум бир жиноят содир қилиш ниятида бўлган шахсларни аниқлаш ва амалга оширишига тўсқинлик қилиш чорасини кўриш;
- 3) жиноятларни тўхтатиш – жиноят содир қилишга тайёрланаётган ва унга суиқасд

20-Mart, 2026-yil

қилаётган шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноий ҳаракатларини тугатиш мақсадида зарур чоралар кўриш. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳисоб рўйхатлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб, жиноий фаолият билан шуғулланаётган ва жиноят содир қилишга мойил алоҳида тоифадаги шахсларни хизмат кўрсатилаётган ҳудудда ҳулки ва яшаш тартиби устидан доимий назорат ўрнатиш имконини беради;

4) илгари жиноий фаолият билан шуғулланганлиги туфайли лавозимидан четлатилган мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг лавозимга жойлашиб қолмаслигининг олдини олиш;

5) маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўядиган, қотиллик, оғир тан жароҳати ва бошқа хавфли жиноятлар қилишга мойил шахсларга ўқотар куроллар бермаслик ёки бундай шахслардан уларни ўз вақтида олиб қўйиш;

б) нотўғри фойдаланиш натижасида атрофдагиларга хавф туғдирадиган буюмлар устидан назорат ўрнатиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг “*Экстремизм қарши кураш тўғрисида*”ги қонунида “*Экстремистик фаолиятининг олдини олиш*” тушунчаси берилган.

Экстремистик фаолиятнинг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади¹.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

Умуман олганда, бошқа давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасининг ҳам диний экстремизмга қарши курашдаги ўз сиёсати мавжуд бўлиб, уларни ички ва ташқи сиёсатга ажратишимиз мумкин. Ички сиёсат юқоридаги субектлар томонидан амалга оширилади. Маълумки, Республикамизда қонун устуворлиги принципига амал қилинади ва буни ҳамма томонидан бажарилиши таъминланади. Қонун олий юридик кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деб кўрсатилган. Ҳуқуқ бор жойда мажбурият, эркинлик бор жойда эса масъулиятнинг бўлиши шартдир². Шулар асосида ҳар қандай динга эътиқод қилувчи шахс, ундан ғаразли ниятларда фойдаланмаслиги керак. Бу қоидалар қонунларимиз билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 1-майдаги янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида аниқ ва лўнда қилиб динга

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июль кунидаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент-2018 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент-2023.

эътиқод қилиш тартиб қоидалари белгилаб қўйилган.

Диний экстремизм ва фундаментализм Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ривожланар экан, дин билан муносабатини қуйидаги беш тамойилларга таянган ҳолда амалга ошираётганини таъкидлаган:

1) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

2) диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

3) диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

4) маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

5) диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш¹.

Ушбу қонун ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқоди ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Шулардан келиб чиқиб, диний экстремизмнинг олдини олишда умумий профилактикадан кенг қўламда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Тезкор ходимларнинг диний экстремизмни олдини олишдаги вазифалари сифатида ўзлари фаолият юритадиган тезкор ҳудудда аҳоли ўртасида диний экстремизмнинг олдини олиш бўйича турли мавзуларда учрашувлар ўтказиши, унинг салбий оқибатларини тушунтириши, айниқса ёшларни “оммавий маданият” хуружларидан асраш борасидаги ишларни янада яхшилаши, умуман олганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” деган фикр асосида уларда гоёвий иммунитетга қарши кураша оладиган онгни шакллантиришдир².

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ушбу вазифаларни амалга оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим:

биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва улардаги диний билимларни ўрганишлари ва англаб етишларига;

иккинчидан, фаолият юритаётган масжидлар, мадрасалар ва шунга ўхшаш жойларнинг фаолиятини назоратга олиш;

учинчидан, узоқ вақт уйда бўлмаган ва бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларни доимий олиб туриш;

тўртинчидан, ноқонуний йўллар орқали бойлик орттириш, турли миссионерлик ҳаракатлари билан шуғулланувчи гуруҳлар ва шахсларни аниқ-лаш ҳамда уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 1-майдаги янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни. Тошкент-1998.

² Ш.М. Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

фаолиятларига чек қўйиш чора-тадбирларини белгилаш.

Бешинчидан, диний экстремизмга қарши курашда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа хизматлари, давлат органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни жадаллаштириш.

Виждон эркинлигини таъминлаш жараёнида фуқаролар ўз муносабатини белгиланган бўлиб, у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмаслиги лозим. Муқаддас динимизнинг ижобий ғояларини бузиб кўрсатган ҳолда, дин ниқоби остида турли ўта оғир жиноятларни содир этилишини олдини олиш ва уни тағ-томири билан суғуриб ташлаш барчанинг бурчидир.

Диний экстремизмни олдини олишда ва унга қарши курашда ҳар бир ходимдан касбий билим, малака, кўникма ва тажрибаларга эга бўлишлиги талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир тезкор ходим билимларини ошириш мақсадида ўз устида доимий ишлаши лозим. Бунда унинг диний саводхонлиги ҳар қандай саволга тўғри жавоб бера олиши билан баҳоланади. Айниқса, ушбу жиноятларнинг олдини олишда тезкор ходимларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек, жинойий йўллар орқали катта бойлик орттириш, адолатсизликка қарши курашни кучайтиришлари, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга кескин муросасизликда тезкор-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашишдаги фаолиятнинг асосий субъектларини ички ишлар органларининг ўз ваколати доирасида бевосита терроризмга қарши курашни олиб борувчи тезкор-қидирув бўлинмалари ташкил этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа хизматлари ўз ваколатлари доирасида терроризм ва экстремизмга қарши кураш вазифаларини бажарувчи асосий субъектларнинг фаолиятини таъминлайдилар.

Терроризм ва экстремизмга оид ишлар бўйича тезкор-қидирув чоралари ушбу ҳолатда турли йўналишлар бўйича олиб борилади. Улардан бири “портлатувчилар”ни (портлатиш қурилмасини тайёрловчилар ёки ушбу жиноятни содир этувчилар), агар террорчилик акти портлатиш йўли билан содир этилган бўлса, махсус портлатиш қурилмасини қидириш усуллари дир. Бунга қуйидагилар киради:

– изларнинг ҳосил бўлиши механизми нуқтаи назаридан вақти, жойи, аниқ шарт-шароитлари ва ҳолатининг вазиятга оид таҳлили ва бунда иштирок этган шахслар, улар томонидан у ёки бу ҳаракатни содир этиш усуллари ва воситаларига оид тусмолларни илгари суриш;

– портлатиш қурилмасини тайёрловчилар тўғрисида тусмолларни илгари суриш, портлатиш қурилмаси ёки унинг айрим қисмларининг эҳтимол тutilган келиб чиқиш манбаи ҳақида кейинчалик “ашёвий далиллар комплекси” бўйича аниқ шахсларни текшириш орқали моддий ахборот ташувчиларга атрофлича баҳо бериш;

– портлатиш қурилмасининг деталлари ёки қисмлари ўртасидан ўзига хос ахборот ташувчиларни ажратиб олиш ва ушбу объектга бевосита ёки билвосита алоқаси бўлиши

эҳтимол тутилган шахсларни аниқлаш;

– “портлатувчи”нинг шахсини аниқлаш ва иш бўйича текширилаётган ашёвий далилларни тадқиқ этишда илмий техника тараққиётининг замонавий имкониятларидан фойдаланиш;

– ҳодиса жойида тасодифий қолдирилган портлатиш қурилмасига алоқаси бўлган объектлар ва изларни жисмоний қидириш.

Муайян турдаги жиноятларни содир этишда қизиқиш уйғотувчи шахслар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

– ноқонуний ххатти-ҳаракатлари бўйича олинган аниқ маълумотларга кўра жиноят содир этиши мумкин бўлган шахслар;

– террористик ва Экстремистик фаолиятга, терроризмнинг ғоявий манбалари, терроризмнинг ғоясини ёритиб берувчи адабиётлар ҳамда террордан сиёсий кураш шакли сифатида фойдаланувчи ташкилотларга қизиқаётган шахслар;

– Экстремистик элементларнинг террористик ҳаракатларини оқловчи ва қўллаб-қувватловчи шахслар;

– мавжуд конституциявий тузумга қарши фикр билдирувчи, террористик ва экстремистик фаолиятга қўшилишга истак билдирган шахслар;

– фуқароларнинг динга бўлган муносабати, ижтимоий, ирқий, миллий, диний мансублиги ва қайси тилда сўзлашидан келиб чиқиб, уларга ўзига хос муносабатда бўладиган шахслар;

– мансабдор шахсларга нисбатан дарғазаб бўлиб, кескин норозилик билдирувчи шахслар;

– турли қуроллар, портловчи моддалар, захарли ва бошқа хавфли воситаларни террорчилик мақсадларида ишлатишга асосиз равишда қизиқаётган шахслар;

– террористик ёки Экстремистик фаолият учун жавобгарлик масалалари ҳамда ушбу турдаги жиноятларни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг имкониятлари юзасидан қизиқиш билдираётган шахслар;

– террористик актларни содир этишга мойиллигини ошкора ёки яширинча намоён қилувчи шахслар;

– террористик ва Экстремистик фаолият воситаларини тайёрловчи, олувчи ва тарқатувчи шахслар;

– Экстремистик қарашларга эга бўлган ва террористик ғояларни қўллаб – қувватловчи норасмий ташкилотлар, жиний гуруҳлар, партия ёки ҳаракатлар аъзолари;

– сепаратизм ғоясини қўллаб-қувватловчи ва бу йўналишда аниқ ишларни амалга ошираётган миллатчи ташкилотларнинг аъзолари;

– жиноят содир этишни режалаштираётган, тажовузни бошлаган ва содир этиб бўлган шахслар;

– жиний унсурлар, жиноятчи билан алоқада бўлган шахслар;

– қидирувдаги жиноятчиларни яшираётган шахслар;

- террористик, экстремистик ва радикал ташкилотлар таъсирига тушган шахслар;
- ўз атрофидагиларига нисбатан салбий таъсир кўрсатувчи шахслар;
- террористик ёки Экстремистик фаолиятни молиялаштиришда, террористик ёки Экстремистик тузилмалар сафига ёллашда, ёлланганларни ХТТ лагерлари ёки ҳарбий низолар бўлаётган ҳудудларга юборишда кўмаклашаётган шахслар;
- бошқа йўллар орқали террористик ёки Экстремистик фаолиятга ёрдамлашувчи шахслар¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий соҳада ҳам кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этиш лозим. Истиклол ғояларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг янги авлодини етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Ёшларимизнинг замонавий билим олиши, замонавий технологияларни мукамал эгаллашлари, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Зеро, бугун дунёнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка раҳна солаётган таҳдид ва хатарлар, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар юз бераётган бир вақтда, ушбу хавфларга муносиб қарши тура олиш учун инсонда чинакам ватанпарварлик, юксак билим ва тафаккур, метин ирода бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси*. Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь.
2. *Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июль кунидаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни*. Тошкент-2018 йил.
3. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*. Тошкент-2023.
4. *Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 1-майдаги янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни*. Тошкент-1998.
5. Ш.М. Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
6. *Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари*. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси. Тошкент-2021 йил.

¹ Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси. Тошкент-2021 йил.